



Хабар

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2003 yil, 7 fevral № 6 (543)

Sotuvda narxi erkin

ХАЙЪАТ ЙИФИЛИШИДА

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисни Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари М.Маҳмудов бошқарди. Унда қатор масалалар кўриб чиқилди.

“Бутунжаҳон Радиоалоқа конференциясига (БРК-03) ва Радиоалоқа Ассамблеясига (РА-03) тайёрларлик тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича давлат комиссияси раисининг ўринбосари М.Холмуротова маъруза қилди. Маърузачи жорий йил ёз ойларида Женева шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон Радиоалоқа конференциясига тайёрларлик қандай кечаётгани хусусида маълумот берди. “Почта алоқаси хавфсизлигини таъминлаш ҳамда пенсия суммаларининг етишмовчиликлари ва ўзлаштиришлар олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида” “Ўзбекистон почтаси” давлат акциядорлик компанияси бош директори Р.Зиқировнинг ҳисоботи тингланди. Компанияда почта хавфсизлиги хизмати 2001 йилги ташкил этилган бўлиб қатор ишлар амалга оширилганлиги, жумладан кадрлар билан тўлиқ таъминланганлиги, хизмат фаолиятини белгилловчи ва унга юклатилган вазифаларнинг бажарилишини таъминловчи метёрий база яратилганлиги, тузилмаларни моддий-техника билан таъминлаш борасида маълум вазифалар бажарилганлиги, 8 мингга яқин почта алоқаси ходимлари метёрий ҳужжатларни ўрганиш бўйича ўқитилганлиги ва бошқа кўнгина юмушлар амалга оширилганлиги қайд қилинди.

“Жорий йилнинг 17 январидан бўлиб ўтган Алоқа ва ахборот-коммуникация технология-

лари масалалари комплекси йиғилишининг қарори хусусида” Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари М.Маҳмудов ахборот берди. Маърузачи Алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари масалалари комплексида жорий йил, 17 январда ўтказилган “2002 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ва 2003 йилги вазифалар тўғрисида”ги мажлис қарори ҳақида қисқача маълумот берди. Жумладан, йил давомида 2002 йилга белгиланган кўрсаткичлар ва масалаларнинг кетма-кет амалга оширилиши, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари баённомаларида кўзда тутилган топшириқлар бажарилиганини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги 2002 йил, 30 майдаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг “Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2002 йил, 6 июндаги қарорини бажариш мақсадида Агентлик олдида қўйилган қатор ишлар муваффақиятли бажарилиши айтилганлиги, камчиликлар ҳам тилга олиб ўтилганлигини айтиб ўтди.

Хайъатда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

И.АХМЕДОВ

ҲОЙДАЛИ СЕМИНАР

“Тошкент Телеком” филиалининг телекоммуникация боғламаларида мижозлар билан ишловчи ходимларнинг мулоқот олиб бориш тажрибаси етарли бўлмаганлиги аҳоли томонидан турли шикоят ва аризаларнинг кўпайишига сабаб бўлаётгани. Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида “Тошкент Телеком” филиалида “Мижозлар билан мулоқот қилишнинг психологик жиҳатлари” мавзусида семинар бўлиб ўтди. Семинарда “Ўзбектелеком” АК Маркетинг бўлими бошлиғи А.Азимов, психолог Р.Муминова, филиал директори А.Абдумўминов, Маркетинг, лойиҳалаш ва капитал қурилиш бўлими бошлиғи Т.Худойназаров, бўлим етакчи муҳандиси А.Жўрабоев ҳамда филиал телекоммуникациялар боғламалари Мижоз бўлими бошлиқлари ва маркетинг хизмати муҳандислари қатнашди.

Семинарда мижозлар билан муомала қилиш маданиятини ошириш, алоқа хизматида доир

шикоятларнинг пайдо бўлмаслиги учун психологик мулоқотларни олиб бориш йўллари бўйича “Ишчан ўйин” лар ўтказилди.

Унда Бекобод телекоммуникация боғламаси Мижоз бўлими бошлиғи У.Мамарасуллов, Охангарон телекоммуникация боғламаси Мижоз бўлими бошлиғи М.Хен, Паркент телекоммуникация боғламаси Мижоз бўлими бошлиғи А.Азимов, психолог Р.Муминова, филиал директори А.Абдумўминов, Маркетинг, лойиҳалаш ва капитал қурилиш бўлими бошлиғи Т.Худойназаров, бўлим етакчи муҳандиси А.Жўрабоев ҳамда филиал телекоммуникациялар боғламалари Мижоз бўлими бошлиқлари ва маркетинг хизмати муҳандислари қатнашди.

Утказилган тадбир шубҳасиз, “Тошкент Телеком” филиали телекоммуникация боғламаларида Мижоз бўлими ходимлари ҳамда маркетинг хизмати муҳандислари томонидан мижозлар билан мулоқот қилиш маданиятининг янада ошишига, пировард натижада алоқа хизматида бўлган шикоятларнинг камайишига олиб келади.

Жамоатчи мухбиримиз



Тошкентдаги DAEWOO UNITEL шўъба корхонаси биноси.

ПОЧТА ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШ ЛОЗИМ

Почта алоқасининг асосий хизмат турлари хат-хабар, жўнатма ва пул жўнатмаларини аҳолидан қабул қилиш ҳамда манзилларга етказишдан иборатдир.

Маълумки, сўнгги йилларда почта алоқасининг асосий хизмат турлари ҳажми камайиб кетди. Почта жўнатмалари ҳажмини кўпайтириш мақсадида “Ўзбекистон почтаси” ДАК томонидан бир қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Иш ҳажмлари ошишининг асосий омилларидан бири – кўрсатилган хизмат сифатини яхшилаш, мижозлар ишончини қозониш ҳамда почта жўнатмаларини қисқа муддатларда етказиб беришдир. Мазкур ишларни амалга бажариш учун республика миқёсидаги барча почта акциядорлик жамиятларига, уларнинг филиаллари ва алоқа бўлимларига иш сифатини таъминлаш бўйича йўриқномалар ва тегишли метёрий ҳужжатлар етказилди. Унинг бажарилишини назорат қилиш “Халқаро почта” АЖ ва компания мутахассислари томонидан режага мувофиқ амалга ошириб келинмоқда.

Утган йилнинг декабри ойда “Халқаро почта” АЖ мутахассислари “Сирдарё почтаси”, “Жиззах почтаси”, “Андижон почтаси” ва

“Бухоро почтаси” акциядорлик жамиятларидан келган почта жўнатмалари сифатини назоратдан ўтатиш муҳлатларини текшириб чиқиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳақида жойларга кўрсатма хатлар жўнатган эди.

Жорий йилнинг январ ойида компания мутахассислари “Халқаро почта” АЖга бориб, барча вилоятлардан келган почта жўнатмаларини кўздан кечиришди. Текширувнинг якуний таҳлилдан шу нарса маълум бўлдики, жойларда кўрсатилган почта хизматининг сифати ва метёрий ҳужжатлар талабига риоя этиш кўнгилдагидек эмас.

Назоратдан ўтган 5476 та хат-хабарларнинг 20 фоизидан ортиғи ҳар хил нуқсонли, 300 га яқини кечиккан, 500 тасига эса почта маркалари қоқдага мувофиқ ёпиштирилмаган. Мисол учун, “Андижон почтаси” АЖдан 11 январ куни юборилган 271-сонли қоқдаги 766 та хатнинг 44,8 фоизи нуқсонли, 135 донасининг эса назорат муддатидан кеч келганлиги аниқланди. “Жиззах почтаси” АЖдан 11 январ 44/1-сонли қоқда келган 350 та хатдан 45,4 фоизи нуқсонли бўлиб, 97 тасининг назорат муддати ўтиб кетган, “Самарқанд почтаси” АЖдан 13 январ

куни 172/595/1-сонли қоқда келтирилган 455 та хатдан 41,5 фоизи нуқсонли ҳамда 11 таси кеч жўнатишди.

Юборилган хатларни сифатли ва белгиланган назорат ўтиш муддатларини бузмасдан етказишни таъминлаш мақсадида компаниянинг 2003 йилдаги режасига мувофиқ Самарқанд шаҳрида минтақавий почта алмасув пункти ташкил этилиди ва 2003 йил, 3 февралдан ўз фаолиятини бошлади. Худди шундай тадбирини Фарғона водийсида ҳам амалга ошириш мўлжалланган.

Биринчи навбатда республика ички магистрал почта алмасишуви мувофиқлаштирилгандан сўнг, ҳар бир минтақа таркибига кирувчи вилоятлардаги почта ташқи йўналишлари қайта кўриб чиқилди. Ўйлаймики, барча вилоят почта раҳбарлари ва мутасалли ходимлари компания томонидан белгилаб қўйилган вазифаларни оғинмай бажариб, республикамиз аҳолиси ва халқ ҳўжалигига сифатли, дунё андозалари даражасида почта хизмати кўрсатиш учун барча чора-тадбирларни амалга ошириши.

Р.ТУРҒУНОВ,
“Ўзбекистон почтаси” ДАК бош директори ўринбосари

OLAMDА NIMA GAP?

•Yangiliklar •Voqealar •Xabarlar

Ўзбекистон Республикасининг Украинанинг фахшудода ва мухтор элчис Р. Акимов Украина Президентининг Л.Кучмага Ишонч ёрликларини топширди.

Ишонч ёрликларини топшириш маросимидан кейин бўлиб ўтган мулоқот чоғида икки томонлама муносабатлар истиқболлари муҳокама этилди.

Тошкент шаҳар ногирон аёллар ва болалар маънавият ва маърифат

марказида ногиронлар учун “Интернетни ўрганиш ва ундан фойдаланиш (IATP) дастури” асосида Интернетдан фойдаланиш маркази очилди.

Маълумки, 1 феврал куни Американинг Columbia фазовий кемаси ерга қайтиб тушаётган портлаб кетган, натижада экинжаз аъзоларининг барчаси ҳалок бўлган эди.

Сепанба куни Хиводаги Жонсон кониот марказида мотам маро-

сими бўлиб ўтди. Унда АҚШ Президентига ва унинг рафиқаси, NASA раҳбари Шон О’Киф ҳамда ҳалок бўлган етти астронавтининг оида аъзолари, дўст-биродарлари ва бошқалар қатнашди.

Исроил ҳарбийлари танклар ва жанговар вертолётлар ёрдамида Газо секторининг марказида жойлашган Ал-Мағазий қочқинлар лагерига бостириб киришди. Оқибатда ҳарбийлар томонидан найрон қилинган уй ичидан қилиб кетган 65 ёшли фалястинлик аёл ҳалок бўлди. Маълумотларга кўра, аёл ҳарбийларнинг уйлари тарк этиш ҳақидаги оғохлаштиришни эшитмаган.

МАҚСАДИМИЗ НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Жамият тараққиёти доимий равишда изланиш, янгиликлар яратишни талаб этади. Янгиликлар бўлмаган ерда юксалиш ҳам бўлмайди. Барча соҳада каби алоқа соҳасида ҳам ривожланиш сари одимлаш, тараққиёт ютуқларидан самарали фойдаланиш, умуман ишни тўғри йўлга қўя билиш ўта муҳимдир.

Мухбиримиз "Самарқанд почтаси" АЖ Тойлоқ филиали бошлиғи Камол ШАРИПОВ билан корхонада олиб борилган ишлар хусусида суҳбатлашди.

Суҳбатдош ҳақида қисқача маълумот: К.Шарипов алоқа соҳасида 1981 йилдан бундан хизмат қилиб келади. Ун йил давомида туман почта корхонасида тушиб вазиёларда ишлаган. 1991 йилдан бошлаб "Самарқанд почтаси" АЖ Тойлоқ филиали бошлиғи вазифасида меҳнат қилмоқда. Ассистентнинг "Моҳир алоқачи" фахрий унвони ва "Фахрий ёриқ" ларига сазовор бўлган.

— Камол ака, суҳбатимизни мамлакатимиз алоқа тизимининг бугунги аҳоли ҳақидаги фикрингиз билан бошлашасан.

— Алоқа йўналишида у почта хизмати бўладими ёки телекоммуникациями, аввало мижозлар эҳтиёжига мос даражада хизмат кўрсатилиши талаб этилади. Бизнинг ҳакам — мижозларимиз. Уларнинг ҳоли ва истаклари сўзсиз бажарилиши керак. Вақт ўтиши билан талаб ортиб боради. Шунинг учун замонавий технология ва янги усуллардан самарали фойдалана билиш зарур. Бугунги кунда оддий алоқа тизимининг мавжудлиги, телефоннинг ишлаб туриши ёки почта бўлимларининг доимий фаолияти етарли эмас. Буларнинг барчаси сифати, замон талабига жавоб бера олинган даражада бўлиши лозим. Мамлакатимизда бу борада муҳим ишлар олиб борилмоқда. Сўнги йиллар давомида сода ривожини тезлаштириш борасида бир қатор қарор ва қўнулар тайёрланди. Ривожланган давлатларнинг алоқа тизимидаги тажрибалари ўрганилиб, ютуқларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Айниқса, компьютерлаштириш, маълумот узатиш ва Интернет тармоқидан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш давлатимизнинг алоқа тизимини ривожлантириш борасида олиб бораётган муҳим вазифасига айланган. Албатта, ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар кўп.

— Ўзидан бевосита ўзингиз раҳбарлик қилаётган Тойлоқ филиали фаолияти ҳақида тўхталиб ўтсангиз?

— Филиалимизда 18 та бўлим мавжуд. Уларда 64 нафар ходим меҳнат қилиб келмоқда. Ҳар бир бўлимда аҳолига сифатли алоқа хизмати кўрсатиш учун имкониятлар етарли. Почтачиларимиз томонидан кўнлик даврий нашрлар ўз вақтида эгларига етказиб берилади. Филиалда айниқса ҳудудий жиҳатдан кенг қамровли бўлган Боғизагон ва Марказий бўлимлар томонидан катта ҳажмдаги ишлар бажарилади.

Туманимизда 13060 нафар пен-

сия ва нафақа олувчилар истиқомат қилишади, уларга ҳар ойда 156,7 млн. сўм миқдорда нафақа пуллари тарқатилади. Туловларни ўз вақтида эгларига етказишга ҳаракат қилинмоқда.

— Шу ўринда ўтган йили пенсия тўловига йўл қўйилган ноҳушхилларга муносабатингиз? Сизнингча, бундай қўнубузарликларни бартараф этиш учун қандай чоралар кўриш лозим?

— Бу қўнгиликлар барча алоқа ходимларини ларзага солди. Бир-икки инсофсиз, нафс қулига айланганлар туфайли кўпчиликнинг дили огриди. Ўзгалар ҳақидадан кўркамган киши худонинг қаҳрига учраши тайин.

Бундай ҳунук воқеаларнинг олдини олиш учун ҳар томонлама сигналган тавсия ва қоидалар ишлаб чиқирилиши керак деб ўйлайман. "Хавар" газетасида "Ўзбекистон почтаси" ДАК бош директори ўринбосари Раҳимжон Турғуновнинг бу борадаги тавсияси эълон қилинган эди. Мана шу тавсияни кенг жамоатчилик кўриб чиқиб, ўзларининг муносабатларини билдирсалар яхши бўларди. Чунки ҳар бир ташаббус бағарсиз ўрганилиб, ютуқ ва камчиликлари таҳлил қилинса, шунчалик мукамаллашиб боради. Фақат, биз лоқайд бўлмаганимиз лозим.

— Корхонанинг йил якулига қўра олган қўйган режаларини қай даражада уйдладилар?

— Бизнес режада белгиланган 31 млн. 396 миң сўмин ошириш билан бажардик. Корхонанинг дебиторлик қарзлари йўқ. Филиалда ноанъанавий хизматлар кўрсатилгани боис, иқтисодий кўрсаткичларни бир маромда ушлаб туришга эришмоқдамиз. Бу бизга пенсия ва нафақа пуллари ўз вақтида тўлаш имконини бермоқда. Ўтган йили обуна ишларини ҳам муваффақиятли амалга оширдик. Белгиланган режа тўлиқ бажарилиди.

— 2003 йилдаги режалар нима-лардан иборат? Белгиланган вазифаларни бажариш учун имкониятлар етарлими?

— Мазкур йилда ҳам бош мақсадимиз мижозларга намунали хизмат кўрсатиш ва уларнинг талабларини қўлимиздан келганча бажариб боришидир. Хизматимиздан фойдаланишга қўлай бўлиши учун яна баъзи ноанъанавий хизмат турлари жорий этишни режалаштирмиз. Ҳар бир алоқа бўлимининг ксерокс билан таъминламоқчимиз. Бугунги кунда жуда керакли бўлган бу ускуна ҳозирда фақат туман марказларидагина мавжуд. Аҳоли узоғини яқин қилиб, жойларда мана шундай имконият яратиб берасан, мижозлар учун ҳам, биз учун ҳам фойдали бўларди. Фақат муаммо тарафи шундаки, барча бўлимларимизда бундай шароит яратишга корхонамизнинг имконияти етарли эмас.

Лутфило ТУРСУНОВ суҳбатлашди

ЖОНЛИ "МОБИЛЧИ"ЛАР

Боливия пойтахти Ла Пас аҳолиси ва меҳмонлари зудлик билан шаҳардан кўнгирак қилишлари лозим бўлганда, телефон картонкалари ва уяли телефонларини унутиб қолдиришса ёки "мобилчи"ларнинг ба-тарея заряди тугаб қолса, асло парво қилишмайди. Негаки, улар учун ҳаракатланувчи уяли алоқанинг бугун бир армияси хизмат кўрсатади.

Боливияда фаолият олиб бораётган телефон компаниялари янгиликка қўл уришиб, юзлаб ёшларни "ҳаракатланувчи мобилчи" сифатида хизматга ёллади. Эйтиборни тортувчи сарик ва яшил курткалар кийган, белларига уяли телефон тақиб олган йигит ва қизлар шаҳар бўйлаб юришади. Улар му-рожаат қилган мижозга белла-рига узун шнур билан боғлан-ган аппаратни сўзлашиш учун берадилар. Мижоз телефонда гап-лашаётганда "ҳаракатланаёт-

ган мобилчи" ҳўрмат юзасидан икки-уч қадам нарида суҳбат туга-шини кутиб туради. Сўнг ми-жоз бир минут сўзлашув учун 14 цент миқдорда ҳақ тўлайди. Бу тариф маҳаллий телефон ком-паниялари томонидан ўз мижоз-ларига тавсия этиладиган уяли телефон тармоғи баҳоларидан анча арзон. Шунинг учун ҳам "жонли мобилчи"лар тармоғи Ла Пас шаҳрида шу даражада маш-ҳур бўлиб кетдики, ҳозирда улар-нинг сони хатто шаҳардаги од-дий телефон кабинетларидан ҳам кўпдир. "Бу хизмат менга жуда ҳам ёқди, — дейди 23 ёшли боливиялик қиз Ниноска Дуран. — Ҳозирда мен ўз шахсий уяли телефонимдан кўра кўпроқ кўча-нинг "уяли автомат"ларидан фой-даланишни маъқул кўраман".

Асосий янги уяли алоқа тар-моғи 12 фойзага яқин ишсизлар бўлган мамлакатнинг минглаб фуқароларини иш билан таъмин-лашига замин яратди.

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

2003 йил, 23 февралдан телекоммуникациянинг универсал хизматлари учун янги тарифлар амалга киритилишини маълум қилади. Куйида ўзгартиришлар билан амалга киритилаётган тарифлар тўғрисида маълумотга эга бўласиз.

РЕСПУБЛИКА ИЧИДАГИ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ

Шаҳар ва қишлоқ телефон алоқаси хизматлари учун тарифлар

| Хизмат турлари | Тўлов миқдори, сўмда | | | | |
|---|---|--|---|--|-------|
| | Бюджетдан молия-лаштирилмайдиган корхоналар | Телефон алоқаси хизматлари учун абонемент тўлов тизимида | Бюджетдан молия-лаштирилмайдиган корхоналар | Телефон алоқаси хизматлари учун абонемент тўлов тизимида | Аҳоли |
| Шахсий фойдаланишдаги асосий телефон аппарати учун абонемент тўлови: | | | | | |
| Шаҳар телефон тармоғи | 1555 | 1490 | 2875 | 2760 | 700 |
| Қишлоқ телефон тармоғи | 600 | 480 | 1140 | 910 | 240 |
| Асосий телефон аппарати ёки бошқа охириги қурилмани ўрнатиш учун расмийлаштириш тўлови: | | | | | |
| Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида | 25300 | | | 31000 | 11470 |
| Вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар ва туман марказларида | 16440 | | | 20700 | 7750 |
| Қишлоқларда | 8220 | | | 9410 | 2900 |

Ўрнатилган абонемент тўлови ва сўзлашувларнинг ўрнатилган бир ойлик 180 минут лимитдан ташқари, абонент томонидан шахсий фойдаланишдаги телефондан амалга оширилган сўзлашувнинг ҳар бир тўлиқ ва тўлиқсиз минути учун вақтбай тўлови корхона, ташкилот, муассасалар ва аҳоли учун 1,5 сўм миқдорига ўрнатилди.

Телеграф алоқаси хизматлари

| Хизмат турлари | Тўлов миқдори, сўмда | |
|---|----------------------|-------|
| | Корхоналар | Аҳоли |
| Телеграммалар бир дона сўзи учун: | | |
| Оддий | 16 | 7 |
| Шошилинч | 32 | 32 |
| Барча турдаги ва категориядаги телеграммалар учун телеграф йиғими | 32 | 32 |

Шаҳарлараро телефон алоқаси хизматлари:

| Хизмат турлари | Сўзлашувнинг тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган минути учун тўлов миқдори (сўм), масофалар бўйича: | |
|----------------------|---|--|
| | Автоматик усулда ёки автоматик алоқа бўлмаган йўналишларда телефончи орқали буюртма билан | Автоматик алоқа очилган йўналишларда, телефончи орқали буюртма билан |
| 100 км. гача | 35 | 45 |
| 101 дан 300 км. гача | 45 | 55 |
| 301 дан 600 км. гача | 55 | 65 |
| 600 км. дан юқори | 70 | 80 |

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ХИЗМАТЛАРИ

Халқаро телеграммалар

| Республикалар | Сўз учун тўлов миқдори, сўмда | |
|--|-------------------------------|----------|
| | оддий | шошилинч |
| Марказий Осиё (Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон), Россия, Украина, Белорус, Молдова, Арманистон, Грузия, Озарбайжон | 124 | 248 |
| Европа, Осиё, Африка, Америка, Австралия | 280 | 560 |

Юбуровичга телеграмма қабул қилинганлиги ва ундан олинган тўлов миқдори тўғрисидаги қитанция берилганда қитанция учун 32 сўм миқдорда йиғим олинади, бунда телеграф йиғими олинмайди.

Халқаро сўзлашувлар

| Куйидаги давлат абоненти билан тақдим этилаётган халқаро телефон сўзлашув | Сўзлашувнинг тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган минути учун тўлов миқдори, сўм |
|---|---|
| Марказий Осиё (Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон) | 365 |
| Кавказ (Арманистон, Грузия, Озарбайжон) | 460 |
| Россия, Украина, Белорус, Молдова | 400 |
| Европа | 1140 |
| Осиё | 1520 |
| Осиё (Бахрейн, Малайзия, Саудия Арабистони, Сингапур, Туркия) | 1275 |
| Африка ва Америка | 1265 |
| Австралия | 1725 |

Халқаро телефон сўзлашувлари автоматик алоқа очилган йўналишларда телефончи орқали буюртма билан тақдим этилганда, буюртма берилган сўзлашув тарифи бўйича бир минутлик сўзлашув тўлови миқдорига қўшимча ҳақ олинади.

ЭСТАЛИШ ҲАМИЗИ!

Рўйхатга олин тўлови ва телефондан фойдаланишдаги тўловларга ўрнатилган йиғимлар ўз кучини сақлаб қолади.

Электралоқа хизматларидан фойдаланиш!

Тақдим этилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлашни унутманг!

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин!

| | | | |
|--|--|---|--|
| Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси университетнинг собиқ ходими | "Хорезм Телеком" филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси қўшмаки жамоасари касба уюшмаси қўшмаки раиси Марина Нига оғаси | Давлат алоқа инспекцияси жамоаси Бухоро вилояти Давлат алоқа инспекцияси инспектори Бешим Ражабовга онаси | "Самарқанд почтаси" АЖ жамоаси Урғут филиали бош ҳисобчиси |
| Марат ЗОҲИДОВнинг вафот этганилиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади. | Ольга ПЯКВИНг вафот этганилиги билан марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига ҳамдардик билдиради. | Майя РАҲЖАБОВАнинг вафот этганилиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. | Раҳим НОРМУҲАМ-МЕДОВнинг вафот этганилиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардик билдиради. |

Сизтлда машхур рухшунос хонасининг эшиги очилиб, кириб келган аёлни шифокор дархот таниди. У шахарнинг обурили аёлларидан бири, адвокат Уильямс Гейтснинг турмуш ўртоғи Мэри Гейтс эди. Унинг орқасидан тўққиз ёшлардаги, озгин, кўзойнак таққан бола кирди ва қизиқиш билан хонани кузата бошлади. Рухшунос хонимдан ташриф сабабини суради.

устида иш бошлади. Ота-онасининг измидан чиқмайдиغان ўғил сифатда Билл ўзи хоҳлаган ўқув юртига кира олмади. Гарвард — айнан унинг билим салоҳиятига мос университет.

захирасида 46 миллиардлик олтин сақланганини билиш қийин. Шундай қилиб, Биллнинг сармо-яси АҚШ олтин захиралари фондидан икки бараварга ортиқдир. Биллнинг ўзи пулга ҳеч қандай қизиқиши йўқлигини таъкидлайди. Тўғрида, асосий вақтини ишхонада ўтказса, пулни қаерга ҳам ишлатарди. Унинг доимий иш кун тартиби қуйидагича кўриниш олган: тушликни ҳисобга олмаганда кечгача ишлайди, сўнг уйига қайтган бир-икки соат китоб (илмий) ёки "The Economist" журналин (миридан сирингача) ўқийди. Эртаси кун соат 9⁰⁰ да Билл яна иш ўрнида ўтирган бўлади.

MICROSOFT ASSOCIATION

Кейинчалик Билл онасига бу университетга чин дилдан эмас, шунчаки борганини тан олади. Унга

нада ўтказса, пулни қаерга ҳам ишлатарди. Унинг доимий иш кун тартиби қуйидагича кўриниш олган: тушликни ҳисобга олмаганда кечгача ишлайди, сўнг уйига қайтган бир-икки соат китоб (илмий) ёки "The Economist" журналин (миридан сирингача) ўқийди. Эртаси кун соат 9⁰⁰ да Билл яна иш ўрнида ўтирган бўлади.


Гейтс ўз ишига муккасидан кетган ва кўл остидагилардан ҳам шуни талаб қилади. Хизматчиларидан бири Биллда 80 ёшли қариянинг ақлино ўспириннинг шижоати муржаасам деганда хато қилмаган. Ишда Биллнинг омади чолган, аммо онасини унинг шахсий ҳаёти ташвишлантирарди. У қирқ ёшга қаршилган бўлса-да, ханузгача буйдоқ эди. Албатта, таниш аёллари бўлган, аммо муносабатлар узоққа чўзилмасди. Чунки Билл доимо физика ҳақида сўзлашишни, шу соҳа китобларини ўқишни, голф ўйинида эса биотехника масалаларини муҳокама қилишни ёқтарарди. Бунга ҳар қимнинг ҳам бардоши етмасди. Шунинг учун унинг 34 ёшли Мелинда Френч билан алоқаси Мэрини ҳечам ҳайратлантормасди. Аммо бу сафар ҳаммаси бошқача эди. Мелинда Microsoftда маркетинг бўйича менежер лавозиминда ишларди. Унинг ишхона деразаси бошлиқники билан қарама-қарши бўлиб, Билл уни доимо кузатиб ўтирарди. Шу тарзда кузатиб-кузатиб... севиб қолди. Уларнинг тўйи 1994 йилнинг 1 январиди Гавайи оролида бўлиб ўтди. Никох маросимиди бирор муаммо келиб чиқмаслиги учун Гейтс барча авиабилетларни сотиб олди ва меҳмонхоналарини банд қилиб қўйди. Асал ойини улар Аляскада романтик тарзда ўтказишди. Тез орада фарзандлари Женифер Кэрин (1996) ва Рори Жон (1999) лар туғилди. Биллнинг ҳаётидаги бу ўзгаришлардан рақибларининг бошқаси осмонга етди. Уларнинг фикрича, оила уни бироз бўлсада ишдан чалғитиши лозим. Қисман шундай бўлди ҳам. Билл энди ишдан эртароқ қайтадиган, сеvimли ёри ва ширин фарзандларини олдиға ошиқадиган бўлди...

Гейтс 1997 йили Вашингтон қўли ёқасига 4000 квадрат метр майдонда бахайбат уй қурди. 60 миллион долларга тушган бу лойиҳа фақат катталлиги ёки нархи билан эмас, тўлиқ компютерлаштирилгани билан ҳам барчанг диққатини тортиди. Ўзлаб электрон машиналар битта тармоққа уланган ва уйдаги почта жўнатиш, чирок ва мусиқани ёқиб ўчириш, телевизорни бошқариш каби барча амалларни бажарди. Узиға хос бу уйда хоҳлаган киши меҳмон бўлиши, 150 киша мўлжалланган тамаддиҳонада уйнинг ҳўжайинлари билан бирга овқатланиши мумкин... фақат Мелинда ўқиган коллеж ҳисобига бир миллион доллар ўтказ-са бас.

Батъида Мэрининг ёдиға рухшунос билан боғлиқ воқеа тушди. Ушанда шифокор болақай билан узоқ сўхбати давомида нималар деган экан-а?..

Л.САИДУРДОВ
тайёрлади

ALOQA-OLAMIDA



БИРИНЧИ БОСҚИЧ ЯКУНЛАНДИ

Швециянинг Ericsson компанияси ва Колумбиянинг Flycom Comunicaciones оператори ўртасида тузилган шартноманинг биринчи босқичи якунланди. Flycom Comunicaciones оператори Колумбиянинг маҳаллий Corporate Group ISA компаниясининг янги филиали бўлиб, умумиллий LMDS маълумотларини тарқатиш билан шуғулланади.

— Бу Жанубий Америкада шу шаклдаги биринчи тармоқ бўлади, — дейди Ericsson вакили.

Flycom Comunicaciones мамлакатнинг йирик шаҳарлари — Бағота, Меделина, Қали, Баранкилла ва Букарामангадаги жамоавий мижозлар ва яққа шахсларга Интернетга кенг қўламда боғланиш хизматини кўрсата бошлади. Агарда биринчи босқич молиявий тўғ



келтирса, Ericsson келгусида тармоқни янада кенгайтириш учун 2003 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб ривожлантиришнинг иккинчи босқичини бошлайди.

Тармоқ Mini-Link системали базага ўрнатилган бўлиб, уни янги усуналар билан таъминлаш, кадрлар малакасини ошириш, лойиҳани бошқариш Ericsson зиммасига юкланган.



ИНТЕРНЕТ ОММАЛАШМОҚДА

Интернетдан фаол фойдаланиб келаётган мижозлар тармоқни бошқа ОАВларидан кўра қулай дея баҳолашди. Калифорния университети (UCLA) ходимлари сўровига кўра, тахминан 61 фоиз америкаликлар Интернетни "жуذا" ёки "фавқулодда" муҳим ахборот манбаи ҳисоблашади. Яна қарийб шунчаси тармоқни ўз ҳаётида газета ва китоблар сингари муҳим аҳамиятга эга восита эканлигини таъкидлаган.

КАНАКА МОБИЛ АППАРАТ ЭКАДИ?

Хитой Халқ Республикасида кенг камровли тадқиқотлар ўтказилиб, уяли алоқа мижозлари кўпроқ канака телефон аппаратларини маъқул қўриши аниқланди. Тадқиқот натижаларига кўра, хитойлик тадбиркорлар хориклик рақибларини сезиларли даражада сиқиб чиқарган ва маҳаллий бозорни ишғол қилиш ҳаракатини давом эттирмакда.

Сўровлар Хитойнинг йирик компания ва илмий марказлари томонидан мамлакатнинг 60 дан ортиқ шаҳарларида, уч ой давомида олиб борилди. Тадқиқотчиларни Хитойда қайси марказда телефонлар кўпроқ сотиб олиниши, мижозларга унинг қандай жиҳатлари маъқул келиши, савдони қаерда амалга ошириши қизиқтириб қолди.

Сўров натижасига кўра Motorola, Хитойнинг Ningbo Bird Corporation, Xiamen Xiain Electronics марказлари машхур эканлиги маълум бўлди. "Ташиқ кўриниши" номинациясида биринчи ўрин Motorola, Bird, Xiain ва TCL Mobile компанияларига насиб этди. Алоқа сифати бўйича Nokia, Samsung ва Birdlar фойлибники қўлга киритди. Бозорда кўп сотилиши бўйича Шанхайнинг Cellstar компанияси "энг яхши" бўлди.



Давом эттирмакда.

Internetdan olindi



Ҳар йили "Форбс" журнали сайрамизнинг энг бой кишилари рўйхатини эълон қилади ва у шубҳасиз рўйхатда биринчи ўринни эгаллайди. Бу миллиардлар унга бобосидан мерос қолмаган ёки бахти чолиб бирор ердан топиб ҳам олмаган. Тўқсон миллиардлик сармоянинг ҳар бир центини фақатгина ўз ақл-идроқи ва тадбиркорлиги билан ишлаб топган.

— Нималар деясиз! — Хонимнинг жаҳди чиқди. — Қандай қилиб! Агар вазиятни бой берсак, Билли бутун умр шунақалигача, ўз хаёлларига берилган, бахтсиз ва омадсиз бўлиб қолади.

— Ростданми? — Кулимсираб сўради врач ва болага муржоат қилди. — Айтки Билли, ҳаётда нима қилишни хоҳлайсан? Бола уйланиб туриб:

— Мен ўзимга ёққан киши қилмоқчиман, — дея жавоб қайтарди. Биллнинг рухшунос билан бўлган узоқ сўхбати уни бутунлай ўзгартириб юборди. Китоб ўқий бошлади. Яна физика ва математикани. Углининг илгма бўлган иштиқидан хурсанд ота-она уни машхур Лейсайда мактабига ўқишга берди. Айнан мана шу ўқув даргоҳида Билл компютерлар билан қизиқди ва маслакдоши (шериги) Пол Аллен билан танишди. Мэри ўглининг ишларидан ўзида йўқ хурсанд эди. Янги қизиқшларини раббатлантириш мақсадида ўлгага компютер (ўша вақтларда компютерлар нафақат ҳажм жиҳатидан, балки маблаг жиҳатидан ҳам "дахшатли" эди) сотиб олди. Унинг ҳаракатлари зое кетмади. Билл компютер оламига бутунлай шўнлиб, дастурлар тайёрлаш (Пол билан бирга) билан шуғулланди ва бошқа ҳеч қандай аҳмоқгарчилик ҳақида ўйламади. Умуман бошқа ишга вақти ҳам йўқ эди. Билли ва Пол электрон машина олдига тонгги тўртгача ўтирарди. Йўқ, улар ўйин ўйнамасдилар, балки катталар сингари ишлар эдилар. Мактаб маъмурияти 15 ёшли болақайларнинг муккасига тушиб дастурлашга киришганини сезмасдан қолмайди ва уларга дарс жадвалининг электрон лойиҳасини тайёрлашга буюртма (албатта текинча эмас) берди. Билли ва Пол вазифани муваффақиятли бажариб, бутун Лейсайдини дастур билан таъминлади. Энди уларнинг тақлифлардан қўзи очилмас, биринчи сарможа ҳам пайдо бўлган эди. Билл ўқилиши ташлади (барибир кўп вақти партада эмас, компютер олдида ўтарди) ва мактаб маъмурияти билан келишиб, имтиҳонлар ўрнига навбатдаги дастури тайёрлаш

ўқиш зерикарли туюлар, мактабда бўлгани каби асосий вақтини компютер олдида ўтказар эди. Гейтс иш билан шўнчалик банд эдики, ҳатто ётоқхонадаги ўринларини йиғиштиришга ҳам улгурмасди.

Гейтснинг меҳнатсеварлиги ва тиришқоқлиги ўз мевасини берди. Пол Аллен билан биргаликда 1975 йили Microsoft компаниясига асос солди. Компания компютер ишлаб чиқарувчи фирмалар учун дастурлар яратишга ихтисослашганди. Гейтс машхур университетдаги ўқилиши ташлашга қарор қилди ва бутун борлиги билан ишга берилди. У қунига 18 соатни офисида ўтказарди. Ҳатто бирор дақиқани яхши овқатланиш ва кийиниш (у арзон ресторанда ёки компютер олдида хот-дог тановуви қилиш билан чекланар, ўзгармас қўйлаги ва арзон кастюми ўша вақтда Гейтснинг рамзига айланган улгурган эди) каби "арзимас" ишларга сарфлашни келмасди. Бир куни Билл онасига кўнғироқ қилиб, қунига 24 соатдан ишлаши кераклиги туфайли 6 ой давомида уни қўришга бора олмамлигини айтди. Мэри хавотирга тушди. У ўглининг жиддий, ишчан бўлишини истаганиди, аммо бу даражада эмас!

Бир вақтлар Биллнинг рақобатчиларидан бири у ҳақда гапирга туриб: "Гейтс — гайритабиий инсон. У қандай ишга қўл урмасин, фақат биринчи бўлишни истайди", деданди. 1980 йили Гейтс IBM компаниясини ўзининг дастурларидан фойдаланишга кўндирди. Бу шартнома Биллга миллиардлаб фойда келтирди. У 1986 йилдан бошлаб ҳар дақиқада 10 миң доллар топади. Эндиликда унинг сармояси 90 миллиард доллар ҳисобиде баҳоланмоқда ва бу сўнгги чегара эмас. Агар ҳаммаси шу тарзда давом этса, бир неча йиллардан сўнг Гейтснинг моддий жағфармаси триллионга етади. Бу бегҳисоб рақамларни яхшироқ англаш учун АҚШнинг Форт Нокс

Internetdan olindi

— Ирода, сиз нима деб ўйлайсиз — бугунги аёллар теннисини ларзага солиб турган опа-сингил Уйлаемларга қарин қандай ўйлаш мумкин?

— Тугри, аввалги теннисдан ҳозирги замонавий теннис тубдан фарқ қилади. Жисмоний тайёргарлик, ҳаракатчанлик ҳозирги теннисда муҳим ўринга эга. Опа-сингил Уйлаемлар бугунги кунда кучли тайёргарликка эга теннисчилар ҳисобланади. Лекин бу уларни мағлубиятга учратиб бўлмайди, дегани эмас. Албатта, улар замонавий теннисда жуда яхши ўйин кўрсатишмоқда. Аммо бошқа теннисчилар ҳам пинчтина томоша қилиб туришгани йўқ. Улар ҳам жиддий машқ қилишмоқда. Уйлаемки, бу йилги мавсум Уйлаемлар учун жуда қийин кечади.

— Яқинда "Норман Сир"да Серена билан куч сингиллиги. Учрашувини ўз фойдалангизга ҳал қилишда сизга нима етишмади?

— Бу учрашув жароҳатимдан кейинги биринчи турнир эди. Майдонга яна қайтишим унчаки осон кечмади. Боз устига етарлича тайёргарлик ҳам кўраолмагандим.

— Сиз болаликдан қанчалик теннис билан деб ўйлаганингни?

— Ёшларимда студияда бўлишим орзу қилардим. Адам теннисга олиб келгандан сўнг, феҳра теннис билан шугулланишга, дуненинг биринчи ракеткаси бўлишга аҳд қилардим. Ҳозир ҳам шунга интилайман.

— Теннисчи бўлганингизда қим бўлардингиз?

— Агарда теннисчи бўлганимда, эҳтимол кино актриса бўлардим. Ҳозир ҳам гоҳида актриса бўлиш келади. Лекин бунинг иложи йўқ. Машгулларимдан вақт орттира омайман.

— Жаҳоннинг эс биринчи ракеткаси Мартина Наврротилова турнирларга ўзининг яхши кўрган игвали олиб юрар, бу эса унинг руҳининг бир маромага сақланган ёрдам бераркан, сиздеги?

— Қайфитини бир маромада ушлаб туриш... билмадим, кўпинча руҳининг кутарини учун дустларим билан бирга бўлишга ёки ёлғиз хоҳада китоб ўқиш, мусиқа тинглашга ҳаракат қиламан. Турнирларда оқатда мен билан доимо ота-онам ёки синглим бирга бўлишади. Бу

менга янада куч бағишлайди. Шунинг учун мусобақаларга яқинларим билан бирга боришга ҳаракат қиламан.

— Теннисдан ташқари спортнинг қайси турларига қизиқасиз?

— Ўзбекистонлик спортчилар қатнашган ҳар бир мусобақани қизиқиш билан кузатиб бораман. Ўзимга эса футбол ёқди.

— Сеvimли жамoанинг ва футболнинг?

— РЕАЛ МАДРИД, Футболчига келсак, Роналдо.

— Сизга қимлар ёрдам беришди, қим билан шугулдасиз?

— Мураббийларим Дмитрий Тома

ИРОДА ТУЛАЕВОВА



"КЕЛАЖАҚДА ТЕННИС АКАДЕМИЯСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛМОҚЧИМАН..."

Ирода 1982 йил, 7 январда Тошкент шаҳрида туғилган. Теннис билан 1991 йилдан бошлаб пойтахтнинг "Искра" спорт мажмуасида шугуллани бошлаган. Биринчи мураббийси Тўлқин Шомуродов. 1999 йилдан буён профессионал теннисда иштирок этиб келади. Бўйи 172 см, вазни 56 кг. Ирода 18 ёшда тўлмасданқоқ ўсмирлар ўртасида ўтказилган Уимблдон турнирини тавби бўлди. Ушa йилги ўсиб чемпионати, бундан ташқари "Japan Open" (Япония), "Polat kabak" (Жанубий Корея), "Nokya Sugar Bol" (АҚШ) каби халқаро мусобақалар кубоги соҳиббасига айланди. 2000 йил мавсуми Ирода учун нисбатан омадли келди. Америка теннис академияси уш "Энг истиқболли теннисчи"лар рўйхатига киритди. Ушган йил, шол ойининг охирида Ирода WTA рейтингисидa 16-ўринни эгаллади. Катарадаги ташқари араб наири ҳисобланган "The Gulf Today" "Тўлағанова Осиё майданқаси янги теннисчиларининг ёрдам номидоидар" деб баҳо берди. Ирода янгида "Australian Open" турнирида қатнашиб, қисқа муддатга Тошкентга қайтиди. Ишонилганидaн фойдаланиш у билан суҳбатлашишга ҳаракат қилдик.

шевич, Галина Казаковалар жисмоний жиҳатдан тайёргарлигимга қўмақлашшига, ҳошимим Гофур Раҳимов ва дадам Навобдаги турнир ўтказиладиган жойни режалаштирадilar.

— WTA Тугри қизларнинг бир-биринга муносабати қандай. Рақобат деганш?

— Муносабатлар, мен сизга айгсам, гўёки чапалғор ивди яшаёйиз. Узинг учун ул етим. Агар сен қўқилсанг ёки жароҳатлансанг ушa қуниёқ сени эсламай қўйишади. "Биттаси бўлса ҳам қамайлгани яхши". Бу WTA ақдаси.

— Корга қандай қойинда чқипини афзал кўрасиз? Ёқтирган рангиниз?

● Siz kutqan uchrashuv

— Қандай бўлмасин ўзимга ёқадиган чиройли қийимда. Ёқтирган рангларим эса қуқ, қизил, оқ, қора.

— Профессионал теннисда формани сақлаб туриш жуда қийин. Яхши оварганини ёқтирасизми?

— Яхши оварганини қимга ёқмайди дейсиз. Айвиқса, палов ва кабоб меннинг сеvimли таомларим сирасига кирди.

— Журналистар ҳақига фикрингиз...

— Менга чет эл журналистларидан кўра кўпроқ Ўзбекистон журналистларига ёқди. Чунки улар интервью олаётганда имкон қадар суҳбатдошини ҳурмет қилиб, унинг дилини ортизмасликка ҳаракат қилдilar. Хорик журналистлари эса умуман буниёғ ақил.

— Кейингилек теннисни тарқатишнинг мумкинми? Агар сир бўлмаса, келажакдаги режаларингиз?

— Токи кузлаган мақсадимга эришмагунимча бошлаган ишимни тўхтатмайман. Мақсадим жаҳоннинг биринчи ракеткаси бўлиш. Кейин эса ҳақиқий чемпионларни тайёрлаш учун теннис Академиясини ташқил қилишни ўйлаб қўйганиман.

Айш қизларда Ирода Хидиштонинг Ҳайдаробод шаҳрида ташқиллаштирилган муқофот жамғирмаси 170000 долларлик турнирда иштирок этиш учун жўнаб кетган. Ушбу турнирда унга омад ёр бўлишини тилаб қолмадик.

Комилжон ҲАСАНОВ суҳбатлашди

BILASIZMI?

ТАНАНИНГ ОГИРЛИГИ

Етмиш килограммлик инсон оғирлигининг 40 килограммини сув ташқил этади. Сув инсон вужудидаги тўқималарнинг модалашувини таъминлаш учун жуда зарурдир. Шу сабабли инсонда очликдан кўра чанқоқлик қийин кечади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, инсон вужудида жуда кўп металллар — юракда — мис, алюмин, темир, ўпкада — мис, алюмин, титан, ўт қоғида — кобальт, никел, кўрғошин, жигарда ва буйракда — мис, кўрғошин, кумуш, талокда — кумуш, қалай, мис, миёда — қалай, қалқорсимон безда — қалай, мис, кўрғошин, рух мавжуд экан.

9 феврал — ҳазрат Алишер НАВОИЙ таваллуд топган кун

ТАЗАМ

Жонга йўқ кунглумдину кунглумга йўқ жондин хабар, Манга не ўздин хабар, не кунглум олгондин хабар.

Уйла масти ноздур ул шўхким биамас ўзин, Не ажаб гар йўқ анга мен зори ҳайрондин хабар.

Воизо, дўзах утин доғи уқарсен англадим, Ким сенга йўқтур ҳамоно доғи ҳижрондин хабар.

Гарчи қосид лафзи жон афзо эди, лекин мени Қилди жондин бехабар, гар қилди жонондин хабар.

Уйла маҳвунг бўлгон эрмишменки бумайдур сенга Захм аро пайконларингни тортиб олгондин хабар.

Соқийе, давр аҳли жаври саъб эрур маст эт мени, Ул сифатким булмағай улгунча даврондин хабар.

Эй Навоий, шох лутфидин кунгўлни жамъ тут, Гар паршон ўласа бок эрмас Хуросондин хабар.

"САБЪАТУ АБХҲУР"

Буюк шоир ва алома Алишер Навоийнинг "Саъбату абхур" ("Етти денгиз") деган китоби ҳам борлигини жуда кам кишиларгина билиди. Чунки бу асар шу вақтгача нашр этилмаган. Қўлёзма нусхавнинг микрофилмига Ўзбекистон Фанлар Академиясининг қўлёзмалар жамғармасида сақланиб келади. Шу ўринда бир савол тутилиши мумкин: "Бу микрофилм мазкур жамғармага қачон ва қандай қилиб келиб қолган?"

Мазкур нодир асарнинг топилишида атоқли олим Ҳамид Сулаймоннинг хизматлари катта. Бу фидойи инсон дуненинг қатор мамлакатларида бўлиб қадимий фанимиз ва мумтоз адабиётимизга оид қўлаб китобларни топиш ва уларда нусхалар кўчириб келган. Ана шундай сафарларидан бири 1960 йили Туркияга бўлади. У бу сафари вақтида одадатдек ўша ерлик одамлар билан суҳбатлашда ва мақсадини айтади. Суҳбат довомида Алишер Навоийнинг саноқли кишиларгагина маълум бўлган бир асари — "Саъбату абхур" ҳақида ҳам гап боради. Туркиялик олимлар бу китобнинг олти қўлёзма нусхаси мамлакатдаги учта кутубхонада сақланётганлигини айтадилар. Шундан кейин Ҳамид Сулаймон ҳаммасларни ҳамроҳлигида ана шу кутубхоналарга бориб, "Саъбату абхур"нинг нусхалари билан танишади ва улардан бирини микрофилмга тушириб олиб келади. Шундай қилиб, буюк бобомиз Алишер Навоийнинг бу китоби Тошкентдан ҳам ўрин топади.

Етмишинчи йилларнинг бошларида Ҳамид Сулаймоннинг шогирдларидан бири Ботирбек Ҳасанов "Саъбату абхур" устида тадқиқот ишлари олиб боради ва 1972 йили Навоийнинг тутилган кўни муносабати билан ўтказилган анъанавий илмий конференцияда шу ҳақда маъруза қилади. Ушa вақтларда бу китобнинг номи республикамиздаги айрим газета ва журналларда, турли суҳбатларда тилга олина бошлади... Кейин негидир яна жимлик бошланади.

Уш, "Саъбату абхур" қандай китоб? Бу китоб арабча сузларнинг изоҳли луғати бўлиб, Алишер Навоий уш яратиш учун бир неча йил меҳнат сарфлаган. Чунки бу китоб жуда катта ҳажмга эга. Агар ҳозирги ёзувда нашр этилса, у саксон босма табақдан ҳам ортиқроқ бўлади. Луғатда қарийб тўрт юз эллик миёга арабча суз жамланган ва уларга изоҳлар берилган. Форс ва араб тилларини ҳам ўз оина тилдек пухта билган Навоий бобомиз бу китоби билан ҳам ўз зақосининг чекизилганини яна бир марта исботлаган.

Афсуслар бўлсинки, бу бебаҳо китоб бобомизнинг 1963-1968 йилларда нашр этилган 15 жиллик китоблари қаторидан ҳам, 80-йиллардан бошлаб нашр этилаётган 20 жиллик асарлар тўламлидан ҳам жой олмаган. Эҳтимол, 70-йилларда нашр этилган "Навоий асарлари луғати" китобини тузишда ушa қўлёзмадан ҳам фойдаланилган бўлиши мумкин. Лекин "Саъбату абхур" тўлалигича нашр этилса, нур устига аъло нур бўлар эди.

ХААДАНАР

Бир фил қўлда чўмилаётган эди. Шу пайт икки паша учиб келди.

— Манави териси қалин аҳмоқни бир тепиб сува чўкириб юбормаймиди?

— Жуда яхши буларди-ю, аммо кўл унчаки чуқурмасди!

ўхшаб кетди, — деди у сир бой бермай. — Биринчи марта мен ютолмадим, иккинчи марта рақибим ютқазмади, учинчи марта мен унга дуранг таклиф қилган эдим, у рози бўлмади.

Бир шахматчи рақибига уч марта ютқазиб, уйига хафа бўлиб қайтди.

— Уш, бугун қандай ўйнадинг? — сўради хотини кулимсираб.

— Ўйинимиз росмана жангта

Театрда битта ҳам томошабин йўқ эди. — Демак, пьесанинг томошабинларга ёқмабди. — деди директор асар муаллифига. — Қизиқмисиз, битта ҳам томошабин келмаганидан кейин пьесанинг ёққан-ёқмаганини қимдан билдингиз.

МУҲАББАТ, БУ — ...

♥ Бахтимизга, муҳаббат маҳсули сифати ўша муҳаббатнинг сифатига боғлиқ эмас.

♥ Муҳаббат бобида аёллар устамон, эркаклар эса ҳаваскордир.

♥ Эркаклар кўзи билан, аёллар эса қулоқлари билан севадилар.

♥ Эркак ва аёл муҳаббатининг фарқи шундаки, аёл бутун юраги, қалиби билан, эркак эса бутун ақли ва вужуди билан севади.

♥ Аёллар фикри эркакларникидан тозароқ бўлади, чунки у тез-тез ўзгариб туради.

♥ Аёллар ҳаминша ўзлари етказмаган жароҳатга ҳамлардлик билдирадilar.

♥ Аёллар қаҳрамонларни эмас, гоғилларни севадилар.

♥ Аёллар ҳамма нарсани кечирадилар, аммо кечирганини тез-тез пинсанда қилиб туради.

♥ Ҳамма аёллар яхши кўрадиган эркакни улардан бирон-таси ҳам севиб қолмайди.

III. ЭРГАШЕВ тайёрлади

МУАССИС:

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙАТИ:

Алишер ХУҲАЕВ, Шухрат ЖАББОР, Анатолий КУДИНОВ, Иzzат АХМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Миршўлат МИРЗО, Рустам ҚОСИМОВ

МАЌЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. Факс: 136-36-42. Habar@uzapt.uzpak.uz ИНДЕКС: 64600 Жума кунлари чиқади

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмағисидa 00011 рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма №Г-165. 10613 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табақ, Газета тахририят компютер базисидa терилди ва сақлаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБОО АҚЦИДОРИЛК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ. Монишини Тошкент шаҳри, «Буёқ Тўр» кўчаси, 41-уй. Матн тўрсуви: Д.МАТКУРБОНОВА Саҳифаловчи: Ш.КИМСАНБОЕВ. Босишга топширилди — 18.00. Босишга топширилган вақти — 18.00.